# О Л Д И – С О Т Д И Ш А Р Т Н О М А С И 13/22

3. 10. 2022й. Ғиждувон тумани

**“Зарангари Капитал экспресс” МЧЖ** кейинги ўринларда “Сотувчи” деб юритилади. Ўзининг низоми асосида иш юритувчи рахбари **Б.Жабборов** бир томондан ва **Нурота туман ихтисослаштирилган санъат мактаб интернати** , кейинги ўринларда “Сотиб олувчи” деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи раҳбари **А.С.Якубов** иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(маҳсулот)ни қабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Товар (Маҳсулот) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| | Кийим кечак шкафи | Дона | 50 | 1 480 000 | 74 000 000 |
| | Жами: | х | х | х | 74 000 000 |

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси **74 000 000 (етмиш турт миллион)** сўмни ташкил этади.
2.2. Сотиб олинадиган Товар (маҳсулот) учун олдиндан тулов миқдори **22 200 000** сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг Октябр ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса **51 800 000** сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг ушбу шартнома амал қилиш муддати тугагунча амалга оширилади.
2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. **Сотувчининг мажбуриятлари**:
3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.
3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гуруҳи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.
3.1.3. Сотувчи тўпламда яроқсиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (маҳсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.
3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.
3.1.5. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.
3.2. **Сотиб олувчининг мажбуриятлари**:
3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.
5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 50 % миқдорида жарима тўлайди:
5.4. Шартномада белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 50 % миқдорида жарима тўлайди:
5.5. Товар ҳакини ўз вактида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,5 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод килмайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Мазкур шартнома 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда;
- Форс-Мажор ҳолатларида.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. Ўзбекистон Республикаси “Бюджет кодекси”нинг 122-моддасига асосан бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратиладиган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга кириши назарда тутилган.

## 8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ШАРТЛАРИ

8.1. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди:
- қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
- шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини;
- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.
8.2. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.
8.3. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ ўтказилмаслигини кафолатлайди.
8.4. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар) томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

## 9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

9.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси, Ўз.Р. Бюджет кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан иктисодий суди тартибида ҳал қилинади.
9.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Ғиждувон туманлараро Иктисодий судида хал қилинади.

## 10. БОШКА ШАРТЛАР

10.1. Мазкур Шартномага киритиладиган барча ўзгартириш ва кўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар оркали имзоланиши керак.

## 11. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ:

| «Ижрочи» | «Буюртмачи» |
| --- | --- |
| **Зарангари Капитал экспресс МЧЖ** | **Нурота туман ихтисослаштирилган санъат мактаб интернати** |
| **(Товар етказиб берувчи ёки хизмат кўрсатувчининг номи)** | (бюджетдан маблағ олувчи ташкилотнинг номи) |
| **Манзил: Гиждувон туман Зарангари КФЙ Абади к/к** | Нурота туман А.Ясавий куча 124 уй |
| Тел./факс | Тел./факс ________________ |
| х/р: **20208000900580226001** | Шхв: 100021860122387092300051001 |
| Банк номи: **АТБ «Хамкорбанк»Банк Бухоро филиали** | бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 202588203 |
| **МФО 00966** | ИФУТ 85100 |
| ИФУТ | Ғазначилик бўлинмаси номи: Нурота туман буйича Ғазначилик булинмаси |
| СТИР: **303767134** | Ягона ғазна х/в: 23402000300100001010 |
| | Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент шаҳар (ХККМ) |
| | МФО: 00014 |
| | Ғазначилик бўлинмаси СТИРИ: 201122919 |
| Раҳбар ______________ Б.Жабборов | Раҳбар ______________ **А.С.Якубов** |
| (имзо) (Ф.И.Ш) | |
| М.Ў. | М.Ў. |

Юрист хулосаси шартномага илова қилинди. Э.Ўранов

## ЮРИСТ ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи суъбектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 20,21-моддаларига ва амалдаги бошқа конун ҳужжатлари талабларига асосан **“Зарангари Капитал экспресс” MCHJ** билан Навоий ихтисослаштирилган саръат мактаб-интернати ўртасида 2022 йил 3 октябрдаги 74000000 (Етмиш тўрт миллион) сўм умумий суммадаги № 13/22 сонли “Олди-сотди” (Маҳсулот етказиб бериш ва харид қилиш”) шартномасини ўрганиш натижалари бўйича қуйидагиларни билдираман:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонунн талаблари асосида тузилган (6-модда. Хўжалик шартномасида тарафларнинг ҳуқуқлар, 7-модда. Хўжалик шартномасида тарафларнинг мажбуриятлари, 24-модда. Хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафларнинг жавобгарлиги, 35-модда. Шартнома мажбур иятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги.) талаблари асосида тузилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекисининг «Шартнома тушунчаси ва шартлари» 353,363-моддалари, «Шартнома тузиш» 364, 381- моддалари, «Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш» 382,385- моддалари, «Неустойка» (жарима ёки пеня) 260, 263-моддалари, (Мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган холларда тўлайдиган ва қоида тариқасида, қатъий пул суммасида ҳисобланадиган неустойка жарима хисобланади.) Ушбу шартнома икки томонлама келишилган ҳолда имзоланиб мухрланган (шартномага кўра икки томонда хам қўшимча ва эътирозлар бўлмаган) талаблари асосида тузилган.

Юқоридагиларни инобатга олиб тарафларга Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни 35- моддаси «Шартнома мажбуриятларини бузганлик учун мансабдор шахснинг жавобгарлиги» яъни шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, шартнома муносабатлари сохасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда Хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофик фукаролик ҳуқуқий жавобгарликка,Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларининг тегишли моддаларига асосан жавобгарликка тортилиши мумкин эканлиги тушунтирилди.

Ушбу шартнома шартларнинг, тарафларнинг жавобгарлиги меъёри ва низоларни хал этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мос келади.

**Нурота туман ҳокимлиги**
**бош юрисконсульти**
**3-даражали адлия маслаҳатчиси** Э.Ўралов